

## ШАРТНОМА № 28

Кургонтепа тумани

« 2022 й. "31" Январ

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб юритилувчи Кузиев Дониёржон Азизуллаевич ЯТТ номидан иш кўрувчи Д. Кузиев (рахбар) бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Харидор» деб юритилувчи «Ободонлаштириш бошкармаси» номидан Б.Саидов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги 40 000 000 етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган маблағлар ҳисобидан тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 40 000 000 (Кирк миллион) сўмни ташкил этади. Бюджет маблағлар ҳисобидан, сотиб олинади.

Етказиб бериладиган махсулотлар қуйидагича:

T/ №	Махслот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Виола (гул кучати)	дона	16000	2500	40 000 000
	Жами	X	X	X	40 000 000

2.2. Ҳисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Шартнома икки томондан имзоланиб ҳамда худудий Ҳазначилиқдан рўйхатдан олиниб, ҳисоб рақамдаги маблағга асосан «Харидор» етказиб бериладиган махсулотлар суммасининг 30 %изи яъни 12 000 000 (Ун икки миллион) сўмини олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган охириги 70 %изи ёки 28 000 000 (Йигирма саккиз миллион) сўм «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида маблағ асосида 60 кун ичида ўтказиб беради.

2.5. «Харидор» томонидан 30 %изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш.

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Харидор» дан талаб қилиш.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Етказиб берувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5-кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилиши учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юкоридаги ҳолатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб ҳамда худудий Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабр қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

